

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№БД – 5111400 – 3.04
2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ТИЛ КЎНИКМАЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000	– Педагогика
	120000	– Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	– Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
	5120100	– Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|----------------|--------------------------|
| С. Иргашева | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| К. Алимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Я. Абдураимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Н. Эшонкулова | – ЎзДЖТУ, ўқитувчи |

Бош маслаҳатчи:

- | | |
|-------------|---|
| Род Болайто | – Буюк Британия, Норич тил ўқитиш институти |
|-------------|---|

Тақризчилар:

- | | |
|--------------|---|
| И.Жўраева | – ЎЗМУ, Хорижий филология факультети декани, ф.ф.н., доцент |
| И.Тўхтасинов | – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори, ф.ф.н., доцент |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Мазкур дастурни ишлаб чиқишда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинди. Унда чет тилини ўқитишга ихтисослашган таълим йўналишлари битирувчилари олий таълим муассасасидаги тўрт йиллик таҳсиллари нихоясида ўрганган чет тили бўйича C1 даражани эгаллашлари минимум сифатида белгилаб қўйилган. Тил кўникмалари интеграцияси фани айнан юқорида келтириб ўтилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тил кўникмалари интеграцияси фани лингвистик курс ҳисобланади ҳамда “Тил кўникмалари интеграцияси” ва “Оғзаки нутқ амалиёти” (тинглаш ва гапириш) модулларини ўз ичига олади. Мазкур курс тил ўрганишнинг тўрт кўникмаси: сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш бўйича кўникмаларни интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур модулни ўқитишда оғзаки нутқ амалиётига алоҳида урғу берилади. Модул якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) бўйича ўрганган чет тилларини 1-4 семестрлар бўйича босқичма-босқич B1 дан B2 даражагача амалда қўллай олишлари назарда тутилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Тил кўникмалари интеграцияси” умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур фан лингвистик курс ҳисобланади ва икки йил давомида икки қисмга: Тил кўникмалари интеграцияси ва Оғзаки нутқ амалиётига ажратилган ҳолда ўргатилади. Ўқув режанинг хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, тил аспекти амалиётиметодика, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Тил кўникмалари интеграцияси” фани “Хорижий тил ва адабиёти” (тиллар бўйича), “Филология ва тилларни ўқитиш” (роман-герман филологияси) таълим йўналишларида асосий умумкасбий фан сифатида ўқитилади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланидилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюроларида касбий фаолият олиб борадилар.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган

холда ақлий хужум, кейс-стади, лойихалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

**Фан модулининг дастури (module syllabus)
(Инглиз тили)**

Намуна

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	ТИЛ КЎНИКМАЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ		
Курснинг қисқача номи:	ТКИ	Код: ТКИ	
Кафедра:	Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Ф.И.Ш. Абдураимова Яйра Рустамовна		E-mail. yayra_usb@mail.ru
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	1- 4-семестр, 76 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	538	
	шунингдек:		
	маъруза		
	семинар		
	амалий	304	
	мустақил таълим	234	
Ўқув курсининг статуси	Умумкасбий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс таълим тизимининг олий таълимгача бўлган босқичида чет тили бўйича ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни: – Тил кўникмалари интеграцияси фани лингвистик курс ҳисобланади ҳамда “Тил кўникмалари интеграцияси” ва “Оғзаки нутқ амалиёти” (тинглаш ва гапириш) модулларини ўз ичига олади. Мазкур курс тил ўрганишнинг тўрт кўникмаси: сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш бўйича кўникмаларни интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади.</p>			
<p>Фанни ўқитишдан мақсад –Мазкур фаннинг мақсади талабаларга тилнинг оғзаки ва ёзма шакллариини интеграллашган ҳолда ўргатиш, уларнинг турли контекстлардаги мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан ўрганилаётган чет тили кўникмалари тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир.</p> <p>Фаннинг вазифаси- умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўрганилаётган чет тилини В2 даражада эгаллашлари учун зарурий тил кўникмаларини интеграллашган тарзда ўргатиш ва мулоқот малакаларини ривожлантиришдир.</p> <p>Мазкур дастур бўйича таълим олган талабанинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> • чет тилини Умум Европа стандартларига кўра В2 даражада ўзлаштириши; • ўрганилаётган чет тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаши; • тил кўникмаларини такомиллаштириш билан бир қаторда трансфербал кўникмаларни ҳам шакллантириш; • ўзининг тил кўникмаларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини баҳолай олиш ва рефлексия кўникмаларини қўллай олиш; • оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти бўйича тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади. 			

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзулар мазмуни Тил кўникмалари интеграцияси	Мавзулар мазмуни Гапириш ва тинглаш	Амалий	Мустақил иш
1-семестр				
1.	Фанга кириш, мақсад, вазифалар		4	2
2	Шахс ва шахсият тўғрисида суҳбат Талабалар ўз таржимаи ҳолларини ёзадилар.	Диалоглар, суҳбатлар	4	4
3	Хорижий мамлакат фуқароларининг ўзаро саломлашишлари ва суҳбатга киришишлари ҳақидаги диалогларни ўқийдилар ва ўзбекларнинг одатлари билан таққослайдилар.	турли коммуникатив нутқ вазиятлари (саломлашиш, кечирим сўраш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш ва ҳ.к.) ни тўғри ўзлаштириши;	4	4
4	Лойиҳа тақдимоти	телефон орқали мулоқот;	4	2
5	Миллий рамзлар ва ўрганилаётган чет тилида сўзловчи мамлакатлар ҳақида суҳбат	ўзига ёққан ва ёқмаган нарсалар, жиҳатлар ҳақида фикрини баён этиши;	4	4
6	Талабалар турли миллий рамзларни муҳокама қиладилар.	жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, аэропортдаги эълонлар);	4	2
7	Талабалар диаграмма кўринишида ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг сиёсий давлат тузилишини тасвирлайдилар ва таққослайдилар.	ўзи ҳақида шахсий маълумотларни бера олиши;	4	4
8	Лойиҳа тақдимоти	сўзловчи нутқини тушунганлиги ёки яхши англай олмаганлигини ифodalashi	4	4
9	Озиқ-овқат мавзусига тегишли бўлган суҳбат	кўрсатмалар, йўриқномалар (масалан, аудиториядаги ўқитувчининг кўрсатмалари, овқат тайёрлаш, велосипедни (техника воситаларини) таъмирлаш сингари осон кўрсатмалар);	4	4
10	Талабалар Венн диаграммасидан фойдаланган ҳолда турли мамлакатларда ким нима ейиши ёки емаслиги ҳақидаги маълумотларни келтирадилар ва бунинг сабабларини муҳокама қиладилар.	сўзловчидан гапини яна бир марта такрорлашни, изоҳлаш, савол бериш ва шу каби нарсаларни сўраш;	4	2
11	Талабалар ўзбек ва хорижий мамлакатлар миллий таомларини	мулоқотни давом эттира олиш;	4	2

	таққослайдилар			
12	Лойиҳа тақдимоти	интервью олиш ва саволларга жавоб қайтариш;	4	4
13	Сихат-саломатлик мавзусига тегишли бўлган суҳбат	тинглаб тушуниш қайдномалари (L Logs)	4	4
14	Талабалар хорижликларнинг бардам бўлиш учун нималар қилишлари ҳақидаги текстни ўқийдилар ва ўзбекларнинг бу борада нималар қилишларини аниқлаш мақсадида қиёсий сўровнома ўтказадилар.	теле ва радио хабарлар, об-ҳаво маълумотлари;	4	4
15	Талабалар турли мамлакатлардаги чекишни чегараловчи тартиб-қоидалар ҳақида маълумотларни тўплайдилар ва Ўзбекистондаги мавжуд тартиблар билан солиштирадилар.	теле ва радио хабарлар, об-ҳаво маълумотлари;	4	2
16	Лойиҳа тақдимоти	таниш мавзуларда муҳокамаларда қатнашиши;	4	2
17	Оилавий қадриятлар: Талабаларга хорижий мамлакатлар ва ўзбекларнинг оилалари акс этган суратлар берилди ва қиёсий иншо ёзишлари сўралади.	навбат билан мулоқотга киришиши, сўзловчининг нутқини бўлмаслиги ёки бўлишга тўғри	4	2
18	Талабалар хорижий мамлакатларда турли миллат вакиллари билан таркиб топган оилалардаги тушунмовчиликлар акс этган фильмни томоша қиладилар (мисол учун, “My Big, Fat Greek Wedding”, “Bride and Prejudices” ва бошқалар) ва тушунмовчиликларни бартараф этиш мумкин бўлган йўللарни муҳокама қиладилар	Ўтилган мавзуларни такрорлаш	4	4
19	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		4	2
1-семестр бўйича жами: 38		38	76	58
2-семестр				
	Мавзулар мазмуни Тил кўникмалари интеграцияси	Мавзулар мазмуни Гапириш ва тинглаш	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1	Таълим Талабалар хорижий мамлакатдаги синф хонасининг суратини муҳокама қиладилар ва уни ўз синф хоналари (жиҳозланиши, парта ва стулларнинг жойлашиши) билан таққослайдилар	монологлар (масалан, презентациялар, нутқлар)	4	4
2.	Талабалар хорижий мамлакатларда ўқитувчи – талабалар муносабатлари акс этган фильм ни(мисол учун, “Dead Poets’ Society”) ўрганилаётган чет тилида томоша қиладилар ёки текстни ўқийдилар ва Ўзбекистондаги ўқитувчи – талабалар муносабатлари билан солиштирадилар.	монологлар (масалан, презентациялар, нутқлар);	4	4
3.	“Менинг орзуимдаги мактаб”	бадий фильмлар томоша	4	2

	(постер шаклидаги презентация)	қилиш		
4.	Ўқитувчилар галереяси” (катта ҳажмли постер)	бадий фильмлар томоша қилиш	4	4
5	Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Лойиха ишига қўшимча сифатида талабалар ўз шаҳар, қишлоқ ёки вилоятлари ҳақида сайёҳларга мўлжалланган китоб, қўлланма ёки веб-саҳифа яратадилар.	таниш мавзуларда муҳокамаларда қатнашиш	4	2
6	Талабалар турли мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларда яшовчи кишиларнинг сони акс этган статистик маълумотларни кўриб чиқадиладар ва муҳокама қиладилар.	Қўшиқлар билан ишлаш	4	4
7	“Шаҳримизга хуш келибсиз”(брошюра)	навбат билан мулоқотга киришиш, сўзловчининг нутқини бўлмаслик ёки бўлишга тўғри келган вазиятларда мулоқотни давом эттириш	4	4
8	“Шаҳар лойиҳаси” (шаҳар лойиҳаси презентацияси)	аудио китоблар ва ҳ.к.	4	2
9	Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш Талабалар машҳур ўзбек сериалларидан бирини (мелодрама жанрида) муҳокама қиладилар ва турли маданиятлардаги сериалларга бўлган муносабатлар ҳақида мунозара уюштирадидилар.	ўзи яратган монологни дискка ёзиб олиш ва ёзма таҳлили билан бирга топшириш; -тинглаб тушуниш тести	4	4
10	Талабаларга “ Чет эллик меҳмонни қайси спорт мусобақасини томоша қилгани олиб борган бўлар эдингиз ва нима учун?” (мисол учун, кураш ёки футбол) мавзусида топширик берилади.	мулоқотни бошлаш ва тугаллаш стратегияларини эгаллаш	4	2
11	“Мелодрама” (сюжет ёзиш)	матнни тинглаб унинг асосий ғоясини англай олиш;	4	2
12	“Турли маданиятларда спорт” (маълумотлар акс этган постер)	жумлаларни перифраза қилиш ва қайтадан таъкидлаш	4	2
13	Алоқа ва технологиялар Талабалар турли мамлакатлардаги телефонда суҳбатлашиш тартиблари ҳақидаги маълумотларни тўплайдилар.	матнни тинглаб, ундаги муайян маълумотни (масалан, саналар, исмлар) фарқлаш стратегияси	4	4
14	Талабалар ўз веб саҳифалари чет элликларга ҳам тушунарли ва қизиқарли бўлиши учун нималар қилиниши лозимлигини муҳокама қиладилар	оғзаки мулоқотда тегишли миллий-маданий меъёрларни (масалан, <i>илтимос</i> ва <i>рахмат</i> сўзларининг турли маданиятларда ишлатилиши, саломлашиш одоби) билиш ва уларни тўғри қўллаш;	4	4
15	“Истеъмолчи баёноти” (уяли телефонлар ҳақида)	сўзлашувчининг кайфияти, ҳиссиётлари ва муносабатини аниқлай олиши;	4	4

16	“Бизнинг гуруҳ ҳақида” (веб-саҳифа ёки блог яратиш)	<i>тинглаб тушуниш тести.</i>	4	2
17	Лойиҳа тақдими	мулоқот жараёнида тегишли имо-ишоралардан (масалан, диққат билан тинглаётганлигини кўрсатиш учун олдинга сал энгашиш, тушунаётганлигини ифодалаш учун бош ирғаши) ўринли фойдаланиш	4	4
18	Лойиҳа тақдими	Ўтилган мавзуларни такрорлаш	4	2
19	Яқуний ҳисобот	1 ва 2 модуллар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест	4	2
2-семестр бўйича жами 38		38	76	58
Умумий			152	116

Т/р	Мавзулар мазмуни Тил кўникмалари интеграцияси	Мавзулар мазмуни Гапириш ва тинглаш	Амалий (семинар)	Мустақил иш
3-семестр				
1	Курс ҳақида умумий маълумот		4	2
2	1. Ўзбекистон ва дунё 1. Талабалар Ўзбекистонга ташриф буюрган чет элликларнинг таассуротлари ҳақидаги мақолаларни ўқиб, таҳлил қиладилар.	Диалог	4	4
3	2. Талабалар Ўзбекистонга ташриф буюрган чет элликларга мўлжалланган қўлланма китоб устида ишлайдилар.	Монолог	4	4
4	“Ўзбекистонга хуш келибсиз” (сайёҳлар учун китоб)	суҳбат, диалоглар;	4	2
5	“Ўзбекистонни кашф қилинг” (туризм ярмаркаси)	ўқиш ва касбга оид мавзулардаги диалогларда иштирок этиб, маълумот алмашиш;	4	4
6	2. Касб-кор ва ишбилармонлик 1. Талабалар ишга жойлашиш ҳақидаги муаммоли вазиятга ечим излайдилар ва уни кичик сахна кўринишида акс эттирадилар.	телефонда суҳбат	4	4
7	Талабалар турли мамлакатлардаги бизнес этикети ҳақидаги матнни ўқиб, муҳокама қиладилар.	тегишли интонация ва ургудан фойдаланиб ҳиссиётларини ифода эта олиш;	4	4
8	“Интервьюлар” (сўровнома асосидаги баёнот)	турли мавзуларда давомий диалогга киришиш;	4	2
9	Бизнес этикети” (тадбиркорлар учун қўлланма)	жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, вокзал/аэропорт эълонлари)	4	4
10	3. Атроф-муҳит муҳофазаси Талабалар хорижий мамлакатларда сувдан фойдаланиш ҳақидаги	аввалдан тайёрланган ҳолда интервью олиб бориш, маълумотларни текшириш ва	6	4

	муаммоли вазиятга ечим излайдилар ва Ўзбекистондаги сувни ишлатиш борасидаги тежамкорлик масалаларини муҳокама қиладилар.	тасдиқлаш, қизиқарли жавобларга эътибор қаратиш;		
11	Талабалар интернет сайтидаги суратлардан фойдаланиб, хорижий мамлакатларда чиқиндиларни қайта ишлаш усуллари билан танишадилар ва Ўзбекистондаги вазият билан солиштирган ҳолда муҳокама қиладилар.	телевидение ва радио орқали бериладиган янгиликлар;	4	4
12	“Бизнинг сайёра” (атроф-муҳитни асраш муаммоларига бағишланган конференция)	<i>Ўтилган мавзулар асосида дебат ташкил этиши</i>	4	2
13	“Атроф-муҳитнинг ифлосланиши” (постер шаклидаги презентация)	<i>стол атрофида расмий муҳокама</i>	4	4
14	Муносабатлар Талабалар турли мамлакатлардаги ажралишлар сони акс этган статистик маълумотлар билан танишадилар ва муҳокама қиладилар.	муҳокамаларда тегишли изохлар, аргументлар ва шарҳлар берган ҳолда ўз фикрини баён қилиш ва уни ҳимоя қилиш;	4	4
15	Талабалар “Хушфелликни биз қандай тушунамиз” мавзусида иншо ёзадилар	теле ва радио дастурлар (ток-шоу, ҳужжатли фильмлар);	4	2
16	1. “Ажралиш” (ажралиш сабаблари акс этган кичик драма)	ўз қизиқишларига оид мавзуларда батафсил ҳисоботлар;	4	4
17	2. “Турли мамлакатларда хушфеллик қандай тушунилади?” (суратли презентация)	ўқиш ва касбга оид мавзуларда презентациялар, нутқлар, маърузалар;	4	4
18	Ўтилган мавзуларни такрорлаш		2	
19	1 ва 2 модуллар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		4	2
1-семестр бўйича жами: 38		38	76	60
4-семестр				
	Мавзулар мазмуни Тил кўникмалари интеграцияси	Мавзулар мазмуни Гапириш ва тинглаш	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1	Турли маданиятлараро мулоқот	Тинглаб тушуниш стратегияларини такрорлаш	4	2
2.	1. Талабалар турли мамлакатларга хос, маданиятлараро тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хатти-ҳаракат, имо-ишора ёки жумлалар намуналарини излаб топадилар ва уларни дарсда рол ўйнаш орқали намоён этиш этидилар.	бадий фильмлар	4	4
3.	2. Чет мамлакатга ўқишга борган талаба дуч келган муаммоли вазиятни талабалар муҳокама қиладилар ва унга ечим излайдилар.	бадий фильмлар	4	2
4.	1. Хатти-ҳаракат ва имо-ишоралар	янгиликлар, интервью ёки	4	4

	(постер шаклидаги презентация)	хужжатли фильмлардан парчалар мазмунини қисқача баён этиш;		
5	2. Ўзга маданиятни англаш муаммоси (чет мамлакатга ўқишга борган талабалар учун қўлланма)	янгиликлар, интервью ёки хужжатли фильмлардан парчалар мазмунини қисқача баён этиш;	4	4
6	6. Оммавий ахборот 1. Талабалар хорижий мамлакатлар радио дастури ёки телекўрсатувини томоша қиладилар ва унинг муқобил ўзбекча талқинини яратадилар.	Интервьюлар	4	2
7	2. Талабалар хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистондаги газеталар ўқиш одатларини берилган суратлар асосида муҳокама қиладилар.	расмий вазиятларда долзарб мавзулар бўйича ўз нуқтаи назарини ифода этиш;	4	4
8	1. “Интернет 10 йилдан сўнг”(радио дастур)	Қўшиқлар орқали тинглаб тушуниш	4	4
9	2. “Бизнинг газета” (гуруҳ газетаси)	иккинчи курс мавзулари бўйича презентациялар қилиш;	4	2
10	Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари 1. Талабалар пластик жарроҳлик қилдирган шахсларнинг суратларини муҳокама қиладилар ва бу борадаги турли мамлакатлардаги муносабатларни таҳлил қиладилар.	дебатларда асосий маърузачи сифатида иштирок этиш;	4	4
11	2. Талабалар турли мамлакатлардаги гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг қўлланилиш ҳоллари, сабаблари ва оқибатлари ҳақида маълумотлар тўплайдилар ва муҳокама қиладилар.	аудио китоблар	4	4
12	1. “Пластик жарроҳлик” (илмий коференция)	<i>Берилган мавзу асосида тақдимот</i>	4	2
13	2. “Гени ўзгартирилган маҳсулотлар” (илмий коференция)	<i>Берилган мавзу асосида тақдимот</i>	4	2
14	Таълим 1. Талабалар дунёнинг 10 та рейтинги баланд университетлари рўйхатини муҳокама қиладилар ва ўз университетларини ҳам ушбу рўйхатга кириши учун нима ишлар қилиниши кераклиги ҳақида фикр алмашадилар.	асосий ғояни тушуниш учун тинглаш;	4	4
15	2. Талабалар суратлар асосида турли мамлакатларнинг мактаб формаларини солиштириб, муҳокама қиладилар.	Тинглаб тушуниш тести	4	2

16	1. “Менинг орзуимдаги университет” (таълим ярмаркаси)	тинглаб конспект қилиш;	4	4
17	2. “Мақтаб формаси” (постер шаклидаги презентация)	тинглаб қисқача мазмунини ўрганилаётган чет тили ва она тилларида баён қилиш	4	4
18	Ўтилган мавзуларни такрорлаш		4	2
19	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		4	2
2-семестр бўйича жами: 38		38	76	58
Умумий		76	152	118

Таълим бериш ва ўқитиш услуби:	амалий топшириқ, жараён давомида ўрганиш, муҳокама, лойиҳа иши, мустақил иш, презентация, потрфолио қайдлари, сўровнома ўтказиш, кичик ролларни ўйнаш, интернет ва бошқа манбалардан мавзуларга оид маълумотлар тўплаш, бошқа соҳаларда ҳам қўллаш мумкин бўлган кўникмалар устида ишлаш.		
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проект, эссе, портфолио ва ҳ.з.		
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.
1.			
2.			
3.			

Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:

Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари		
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.		
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони		
	Б. Тил кўникмалари интеграцияси	1.Тил кўникмалари интеграцияси	2.Тинглаш ва гапириш
	Жорий назорат 40%	Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1-илова) 10% Лойиҳа иши 1-10%	-тинглаб тушуниш қайдномалари (L Logs)-10% -берилган мавзу ва вазиятга асосланган ролли ўйинлар -10%
Оралик назорат 30%	Лойиҳа иши 2- 15%	-интервью-15% -тинглаб тушуниш тести. -15%	
Яқуний назорат 30%	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар		

		бўйича тест	
2- семестр			
А. Тил кўникмалари интеграцияси	1.Тил кўникмалари интеграцияси	2. Тинглаш ва гапириш	
Жорий назорат 40%	Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1-илова) 10%		
	Лойиҳа иши 3 15%	-тинглаб тушуниш қайдномалари (L Logs)- 10% -фильм ёки аудио материал муҳокамаси - 5%	
Оралиқ назорат 30%	Лойиҳа иши 4(Таҳлилий ёзма сарҳисоб билан топширилади) 15%	-ўзи яратган монологни дискка ёзиб олиш ва ёзма таҳлили билан бирга топшириш; -тинглаб тушуниш тести 15%	
Якуний назорат 30%	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		
3- семестр			
А. Тил кўникмалари интеграцияси	1.Тил кўникмалари интеграцияси	2. Тинглаш ва гапириш	
Жорий назорат 40%	Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1-илова) 10%		
	Лойиҳа иши 3-10%	-дебат-10% -стол атрофида расмий муҳокамаси -10%	
Оралиқ назорат 30%	Лойиҳа иши 4(таҳлилий ёзма сарҳисоб билан топширилади)- 15%	Тинглаб тушуниш тести 15%	
Якуний назорат 30%	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		
4- семестр			
А. Тил кўникмалари интеграцияси	1.Тил кўникмалари интеграцияси	2. Тинглаш ва гапириш	
Жорий назорат 40%	Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1-илова) 10%		
	-Лойиҳа иши 3- 10% -Лойиҳа иши 4- 10%	Берилган мавзу асосида тақдимот -10%	
Оралиқ назорат 30%	-Лойиҳа иши 5 -Барча лойиҳа ишлари йиғилган портфолио (таҳлилий ёзма сарҳисоб билан топширилади) 15%	Тинглаб тушуниш тести 15%	
Якуний назорат 30%	1 ва 2 модулар асосида 4 та тил кўникмалар бўйича тест		

Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:

Глоссарийлар:

Ахборот ресурс база:

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг амалий машғулоти мазмуни

1-модул. Тил кўникмалари интеграцияси

Тил кўникмалари интеграцияси модули 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур курс тўрт кўникма: сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш бўйича кўникмаларни баравар ривожлантиришга хизмат қилади. Модул якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) бўйича ўрганган чет тилларини 1-4 семестрлар бўйича босқичма-босқич В1 дан В2 даражагача амалда қўллай олишлари назарда тутилади.

2-модул. Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш)

Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш) модули 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Биринчи курс якунида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра қарийб В1-В1+ ва 2 курс якунига бориб В2 даражада чет тилида тинглаб тушуна олишлари ва сўзлаша олишлари назарда тутилади.

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари (CEFR)” меъёрларида белгиланганидек оғзаки мулоқотни эгаллаш бўйича биринчи босқичда асосий эътибор мулоқот стратегияларини ривожлантиришга ва диалогда суҳбатга кира олишга қаратилса, иккинчи курсга келиб монолог (презентация, дебат, касбга доир интервью) кўринишдаги оғзаки мулоқотни ривожлантиришга қаратилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1- курс давомида

Мавзулар	Маданиятлараро муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тавсия этиладиган вазифа ва топшириқлар	Тавсия этиладиган лойиҳа ишлари
Шахс ва шахсият	1. Талабалар ўз таржимаи ҳолларини ёзадилар. 2. Хорижий мамлакат фуқароларининг ўзаро саломлашишлари ва суҳбатга киришишлари ҳақидаги диалогларни ўқийдилар ва ўзбекларнинг одатлари билан таққослайдилар.	1. “Бизнинг китоб” (машҳур шахслар, дўстлар, ёки ота-оналар ҳақида китоб) 2. “Биринчи учрашувлар” (постер шаклидаги презентация)
Миллий рамзлар ва ўрганилаётган чет тилида сўзловчи мамлакатлар	1. Талабалар турли миллий рамзларни муҳокама қиладилар. 2. Талабалардиagramма кўринишида ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг сиёсий давлат тузилишини тасвирлайдилар ва таққослайдилар.	1. “Миллий рамзлар” (постер шаклидаги презентация) 2. Ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг давлат тузилиши (билимлар мусобақаси)
Озиқ-овқат	1. Талабалар Венн диаграммасидан фойдаланган ҳолда турли мамлакатларда ким нима ейиши ёки емаслиги ҳақидаги маълумотларни келтирадилар ва бунинг сабабларини муҳокама қиладилар. 2. Талабалар ўзбек ва хорижий мамлакатлар миллий	1. “Соғлом овқатланишнинг 10 қоидаси” (қўлланма) 2. “Пазандалик

	таомларини таққослайдилар	китоби”(таомларнинг суратлари ва тайёрланиш жараёнлари акс этган китоб)
Сихат-саломатлик	1. Талабалар хорижликларнинг бардам бўлиш учун нималар қилишлари ҳақидаги текстни ўқийдилар ва ўзбекларнинг бу борада нималар қилишларини аниқлаш мақсадида қиёсий сўровнома ўтказадилар. 2. Талабалар турли мамлакатлардаги чекишни чегараловчи тартиб-қоидалар ҳақида маълумотларни тўплайдилар ва Ўзбекистондаги мавжуд тартиблар билан солиштирадилар.	1. “Қандай қилиб соғлом турмуш тарзини олиб бориш мумкин” (постер шаклидаги презентация) 2. “Қандай қилиб чекишни ташлаш мумкин” (брошюра)
Оилавий кадриятлар	1. Талабаларга хорижий мамлакатлар ва ўзбекларнинг оилалари акс этган суратлар берилди ва қиёсий иншо ёзишлари сўралди. 2. Талабалар хорижий мамлакатларда турли миллат вакилларида таркиб топган оилалардаги тушунмовчиликлар акс этган фильмни томоша қилдилар (мисол учун, “My Big, Fat Greek Wedding”, “Bride and Prejudices”, ва бошқалар) ва уларни бартараф этишнинг мумкин бўлган йўлларини муҳокама қилдилар	1. “Оилавий альбом” (Қисқа фильм) 2. “Оилавий қоидалар” (постер шаклидаги презентация)
Таълим	1. Талабалар хорижий мамлакатдаги синф хонасининг суратини муҳокама қилдилар ва уни ўз синф хоналари (жиҳозланиши, парта ва стулларнинг жойлашиши) билан таққослайдилар 2. Талабалар хорижий мамлакатларда ўқитувчи – талабалар муносабатлари акс этган фильмни (мисол учун, “Dead Poets’ Society”) ўрганилаётган чет тилидатомоша қилдилар ёки текстни ўқийдилар ва Ўзбекистондаги ўқитувчи – талабалар муносабатлари билан солиштирадилар.	1. “Менинг орзуимдаги мактаб” (постер шаклидаги презентация) 2. “Ўқитувчилар галлереси” (катта ҳажмли постер)
Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти	1. Лойиҳа ишига қўшимча сифатида талабалар ўз шаҳар, қишлоқ ёки вилоятлари ҳақида сайёҳларга мўлжалланган китоб, қўлланма ёки веб-саҳифа яратадилар. 2. Талабалар турли мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларда яшовчи кишиларнинг сони акс этган статистик маълумотларни кўриб чиқадилар ва муҳокама қилдилар.	1. “Шаҳримизга хуш келибсиз”(брошюра) 2. “Шаҳар лойиҳаси” (шаҳар лойиҳаси презентацияси)
Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш	1. Талабалар бирини машҳур ўзбек сериалларини (мелодрама жанрида) муҳокама қилдилар ва турли маданиятлардаги сериалларга бўлган муносабатлар ҳақида мунозара уюштирадилар. 2. Талабаларга “ Чет эллик меҳмонни қайси спорт мусобақасини томоша қилгани олиб борган бўлар эдингиз ва нима учун?” (мисол учун, кураш ёки футбол) мавзусида топшириқ берилди.	1. “Мелодрама” (сюжет ёзиш) 2. “Турли маданиятларда спорт” (маълумотлар акс этган постер)
Алоқа ва технологиялар	1. Талабалар турли мамлакатлардаги телефонда суҳбатлашиш тартиблари ҳақидаги маълумотларни тўплайдилар. 2. Талабалар ўз веб саҳифалари чет элликларга ҳам тушунарли ва қизиқарли бўлиши учун нималар қилиниши лозимлигини муҳокама қилдилар	1. “Истеъмолчи баёноти” (уяли телефонлар ҳақида) 2. “Бизнинг гуруҳ ҳақида”(веб-саҳифа ёки блог яратиш)

2 курс давомида

Мавзулар	Маданиятлараро муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тавсия этиладиган вазифа ва	Тавсия этиладиган лойиҳа ишлари
----------	---	---------------------------------

	топшириқлар	
1. Ўзбекистон ва дунё	1. Талабалар Ўзбекистонга ташриф буюрган чет элликларнинг таассуротлари ҳақидаги мақолаларни ўқиб, таҳлил қиладилар. 2. Талабалар Ўзбекистонга ташриф буюрган чет элликларга мўлжалланган қўлланма китоб устида ишлайдилар.	1. “Ўзбекистонга хуш келибсиз” (сайёҳлар учун китоб) 2. “Ўзбекистонни кашф қилинг” (туризм ярмаркаси)
2. Касб-кор ва ишбилармонлик	1. Талабалар ишга жойлашиш ҳақидаги муаммоли вазиятга ечим излайдилар ва уни кичик сахна кўринишида акс эттирадилар. 2. Талабалар турли мамлакатлардаги бизнес этикети ҳақидаги матнни ўқиб, муҳокама қиладилар.	1. “Интервьюлар” (сўровнома асосидаги баёнот) 2. “Бизнес этикети” (тадбиркорлар учун қўлланма)
3. Атроф-муҳит муҳофазаси	1. Талабалар хорижий мамлакатларда сувдан фойдаланиш ҳақидаги муаммоли вазиятга ечим излайдилар ва Ўзбекистондаги сувни ишлатиш борасидаги тежамкорлик масалаларини муҳокама қиладилар. 2. Талабалар қуйидаги сайтдаги суратлардан фойдаланиб, хорижий мамлакатларда чиқиндиларни қайта ишлаш усуллари билан танишадилар ва Ўзбекистондаги вазият билан солиштирган ҳолда муҳокама қиладилар.	1. “Бизнинг сайёра” (атроф-муҳитни асраш муаммоларига бағишланган конференция) 2. “Атроф-муҳитнинг ифлосланиши” (постер шаклидаги презентация)
4. Муносабатлар	1. Талабалар турли мамлакатлардаги ажралишлар сони акс этган статистик маълумотлар билан танишадилар ва муҳокама қиладилар. 2. Талабалар “Хушфёълликни биз қандай тушунамиз” мавзусида иншо ёзадилар.	1. “Ажралиш” (ажралиш сабаблари акс этган кичик драма) 2. “Турли мамлакатларда хушфёъллик қандай тушунилади?” (суратли презентация)
5. Турли маданиятлараро мулоқот	1. Талабалар турли мамлакатларга хос, маданиятлараро тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракат, имо-ишора ёки жумлалар намуналарини излаб топадилар ва уларни дарсда рол ўйнаш орқали намойиш этадилар. 2. Чет мамлакатга ўқишга борган талаба дуч келган муаммоли вазиятни талабалар муҳокама қиладилар ва унга ечим излайдилар.	1. Ҳатти-ҳаракат ва имо-ишоралар (постер шаклидаги презентация) 2. Ўзга маданиятни англаш муаммоси (чет мамлакатга ўқишга борган талабалар учун қўлланма)
6. Оммавий ахборот	1. Талабалар хорижий мамлакатлар радио дастури ёки телекўрсатувини томоша қиладилар ва унинг муқобил ўзбекча талқинини яратадилар. 2. Талабалар хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистондаги газеталар ўқиш одатларини берилган суратлар асосида муҳокама қиладилар.	1. “Интернет 10 йилдан сўнг” (радио дастур) 2. “Бизнинг газета” (гуруҳ газетаси)
7. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари	1. Талабалар пластик жарроҳлик қилдирган шахсларнинг суратларини муҳокама қиладилар ва бу борадаги турли мамлакатлардаги муносабатларни таҳлил қиладилар. 2. Талабалар турли мамлакатлардаги гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг қўлланилиш ҳоллари, сабаблари ва оқибатлари ҳақида маълумотлар тўплайдилар ва муҳокама қиладилар.	1. “Пластик жарроҳлик” (илмий коференция) 2. “Гени ўзгартирилган маҳсулотлар” (илмий конференция)
8. Таълим	1. Талабалар дунёнинг 10 та рейтинги баланд университетлари рўйхатини муҳокама қиладилар ва ўз университетларини ҳам ушбу рўйхатга кириши учун нима ишлар қилиниши кераклиги ҳақида фикр алмашадилар.	1. “Менинг орзуимдаги университет” (таълим ярмаркаси)

	2. Талабалар суратлар асосида турли мамлакатларнинг мактаб формаларини солиштириб, муҳокама қиладилар.	2. “Мактаб формаси” (постер шаклидаги презентация)
9. Ижтимоий масалалар	1. Талабалар Европадаги қариялар уйи ҳақидаги мақолани ўқийдилар ва шарқ мамлакатларидаги қарияларга бўлган муносабат билан солиштириб, муҳокама қиладилар. 2. Талабалар турли мамлакатлардаги қонунни бузиш ҳоллари ва уларга белгиланган жазо ҳақидаги маълумотларни тўплайдилар ва муҳокама қиладилар.	1. “Жамоатчилик ишлари” (қарияларга кўмаклашиш, етимхоналарга бориш кабилар) (видео фильм) 2. “Адолат ва қонун” (ток шоу)

2. Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш)

1 курс давомида

Тинглаб тушуниш бўйича:

Тинглаш учун мўлжалланган матн турлари:

- диалоглар, суҳбатлар;
- телефон орқали мулоқот;
- жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, аэропортдаги эълонлар);
- кўрсатмалар, йўриқномалар (масалан, аудиториядаги ўқитувчининг кўрсатмалари, овқат тайерлаш, велосипедни (техника воситаларини) таъмирлаш сингари осон кўрсатмалар);
- теле ва радио хабарлар, об-ҳаво маълумотлари;
- монологлар (масалан, презентациялар, нутқлар);
- теле ва радио хужжатли фильмлар;
- бадиий фильмлар;
- кўшиқлар
- аудио китоблар ва ҳ.к.

Стратегиялар

- матнни тинглаб унинг асосий ғоясини англай олиш;
- матнни тинглаб, ундаги муайян маълумотни (масалан, саналар, исмлар) фарқлаш;
- сўзлашувчининг кайфияти, ҳиссиётлари ва муносабатини аниқлай олиши;

Оғзаки мулоқот(диалог) бўйича:

- турли коммуникатив нутқ вазиятлари (саломлашиш, кечирим сўраш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш ва ҳ.к.) ни тўғри ўзлаштириши;
- ўзига ёққан ва ёқмаган нарсалар, жиҳатлар ҳақида фикрини баён этиши;
- ўзи ҳақида шахсий маълумотларни бера олиши;
- сўзловчи нутқини тушунганлиги ёки яхши англай олмаганлигини ифодалаши (масалан, сўзловчидан гапини яна бир марта такрорлашни, изоҳлаш, савол бериш ва ҳ.);
- мулоқотни давом эттира олиш;
- интервью олиш ва саволларга жавоб қайтариш;
- таниш мавзуларда муҳокамаларда қатнашиши;
- навбат билан мулоқотга киришиши, сўзловчининг нутқини бўлмаслиги ёки бўлишга тўғри келган вазиятларда мулоқотни давом эттириши;
- мулоқотни бошлаш ва тугаллаш стратегияларини эгаллаши;
- жумлаларни перифраза қилиш ва қайтадан таъкидлаши;
- оғзаки мулоқотда тегишли миллий-маданий меъёрларни (масалан, *илтимос* ва *раҳмат* сўзларининг турли маданиятларда ишлатилиши, саломлашиш одоби) билиши ва уларни тўғри қўллаши;
- мулоқот жараёнида тегишли имо-ишоралардан (масалан, диққат билан тинглаётганлигини кўрсатиш учун олдинга сал энгашиш, тушунаётганлигини ифодалаш учун бош ирғаши) ўринли фойдаланиши;

Талаффуз

- интонация (интонациянинг грамматик ва муносабат билдирувчи функцияларини фарқлаш)
- урғу (сўз урғуси, гап урғуси)
- товушларни транскрипциялар орқали ўқий олиши;
- она тили интерференцияси

2 курс давомида

Тинглаб тушуниш бўйича:

Тинглашга мўлжалланган матн турлари

- суҳбат, диалоглар;
- телефонда суҳбат
- жамоат жойларидаги эълонлар (масалан, вокзал/аэропорт эълонлари)
- телевидение ва радио орқали бериладиган янгиликлар;
- теле ва радио дастурлар (ток-шоу, хужжатли фильмлар);
- ўқиш ва касбга оид мавзуларда презентациялар, нутқлар, маърузалар;
- бадий фильмлар
- интервьюлар
- кўшиқлар
- аудио китоблар

Стратегиялар ва кўникмалар

- асосий ғояни тушуниш учун тинглаш;
- муайян маълумотни тушуниш учун тинглаш
- тинглаб конспект қилиш;
- тинглаб қисқача мазмунини ўрганилаётган чет тили ва она тилларида баён қилиш

Оғзаки мулоқот бўйича:

Оғзаки нутқ амалиёти модули бўйича иккинчи курсда ўтиладиган тахминий мавзулар мазмуни биринчи курс мавзуларига ўхшаш бўлсада, иккинчи курсда асосий эътибор ушбу мавзуларнинг чуқур ва батафсил ўрганилишига қаратилади. Шунингдек, иккинчи курсда расмий вазиятларда мулоқотни олиб боришга ҳамда монолог кўринишдаги кўникмаларни, шу жумладан, тақдирот, дебат, нутқ сўзлаш кабиларга эътибор қаратилади.

Диалог

- ўқиш ва касбга оид мавзулардаги диалогларда иштирок этиб, маълумот алмашиш;
- тегишли интонация ва урғудан фойдаланиб ҳиссиётларини ифода эта олиш;
- турли мавзуларда давомий диалогга киришиш;
- аввалдан тайёрланган ҳолда интервью олиб бориш, маълумотларни текшириш ва тасдиқлаш, қизиқарли жавобларга эътибор қаратиш;
- муҳокамаларда тегишли изоҳлар, аргументлар ва шарҳлар берган ҳолда ўз фикрини баён қилиш ва уни ҳимоя қилиш;

Монолог

- ўз қизиқишларига оид мавзуларда батафсил ҳисоботлар;
- янгиликлар, интервью ёки хужжатли фильмлардан парчалар мазмунини қисқача баён этиш;
- расмий вазиятларда долзарб мавзулар бўйича ўз нуқтаи назарини ифода этиш;
- дебатларда асосий маърузачи сифатида иштирок этиш;
- иккинчи курс мавзулари бўйича презентациялар қилиш;

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Ишчи ўқув дастурида талабанинг мустақил ўқиб ўрганиши учун алоҳида вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча *facilitate* сўздан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намоёйиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

- | | |
|---|---|
| 1. Ўзбекистон ва дунё | 10. Маданият ва санъат |
| 2. Касб-кор ва ишбилармонлик | 11. Шахс ва шахсият |
| 3. Атроф-муҳит муҳофазаси | 12. Миллий рамзлар ва ўрганилаётган чет тилида сўзловчи мамлакатлар |
| 4. Муносабатлар | 13. Озиқ-овқат |
| 5. Турли маданиятлараро мулоқот | 14. Сиҳат-саломатлик |
| 6. Оммавий ахборот воситалари | 15. Оилавий қадриятлар |
| 7. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасида этика | 16. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти |
| 8. Ижтимоий тармоқлар | 17. Алоқа ва ахборот технологиялари |
| 9. Ижтимоий масалалар | |

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур дастурда ҳар бир модул мазмунидан сўнг машғулотларни самарали ташкил этиш ва мавзуларни ўқитиш технологиялари келтирилган. Амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллардан кенг фойдаланилади. Модуллар 100% ўрганилаётган тилда ўқитилади. (Ҳар бир модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб, информацион-услубий таъминот бўйича ҳар бир модулда берилган кўрсатмаларга қаралсин)

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

Инглиз тили

1. Virginia Evans & Jenny Dooley Enterprise (full set) Digital publishing UK, 2009
2. Mike Boyle, Ellen Kisslinger Skillful. Listening & Speaking (full set) Macmillan Education UK, 2013

Немис тили

1. Anneli Billina. Hören & Sprechen B1: Buch mit 2 Audio-CDs. Narr Francke Attempo Verlag. Tübingen, Deutschland, 2013

Француз тили

1. Flumian C, Labascoule J. Lause C. « Nouveau Rond-Point 2 » (livre de l'élève+guide pédagogique+cahier d'activités) Paris 2009
2. Evelyne Bérard. « Grammaire du français (Niveaux A1 A2), Didier, Paris 2007.

Испан тили

1. Aula internacional Nuevaedicion 1. R. Castón, E. García, I. Ginés, Corpas, A. Garmendia, C. Soriano. Espana 2013. Difusion

Қўшимча адабиётлар

Инглиз тили

1. Platform (online & outline) Macmillan English Campus Platform (online & outline) Macmillan Education UK, 2015

Немис тили

1. Hartmut Aufderstraße, Jutta Müller, Thomas Storz. Delfin. Hueber Verlag. Ismaning, Deutschland. 2007.
2. Dahlhaus Barbara. Fertigkeit Hören. Langenscheidt Verlag. München. 1994.
3. Schatz Heide. Fertigkeit Sprechen. Langenscheidt Verlag. München. 2006.
4. Anni Fischer Mitzivirus, Silviya Janke Papanikolaou. Ausblick 1. Hueber Verlag. Ismaning, Deutschland. 2008.
5. Michaela Perlmann Balme, Susanne Schwalb, Dörte Weers. Em Brückenkurs B1. Hueber Verlag. Ismaning, Deutschland. 2008.

Француз тили

1. Annie Berthet, Catherine Hugot. Alter Ego A1. Hachette, Paris
2. Annie Berthet, Catherine Hugot. Alter Ego A2. Hachette, Paris
3. Нишонов М, Абдушукурова З, Назаров В. «Opinion originale», Tachkent 2012.
4. Evelyne Bérard-Christian « Exercices pour l'apprentissage du français » Paris 1991.

Испан тили

1. Método de español Nivel 1 Toshxonov M.T., Turamuratova I.I., Tashniyozova Sh.X. Uzbekistan 2013
2. Español en marcha. Francisca Castro Viudez, PilarDíaz Ballesteros, Ignacio Roderodías, Carmen Sardinero Franco.

Интернет сайтлари

Инглиз тили

1. www.teachingenglish.org.uk
2. www.elgazette.com
3. www.learnenglish.org.uk
4. www.educationuk.org
5. www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish
6. www.channel4.com/learning
7. www.better-english.com/exerciselist.htm 1
8. www.englishclub.com/index.htm

Немец тили

1. http://hueber.de/lernen/deutsch-als-fremdsprache/pg_kopiervorlagen_lrn_zg <http://www.mein-deutschbuch.de/>
2. <http://www.daf-links.de/linksammlung/uebungen.html>

Француз тили

1. <http://www.educnet.education.fr/>
2. www.france5.fr/20livres
3. www.cle-inter.com
4. www.pedagonet.com
5. www.reporte.commx
6. www.francefacile.com
7. <http://www.gentside.com>

Испан тили

1. [http://hubpages.com/profile/Judy+Cullins_\(enespaol\)](http://hubpages.com/profile/Judy+Cullins_(enespaol))
2. [http://ezinearticles.com/?expert=Judy_Cullins_\(en_espaol\)](http://ezinearticles.com/?expert=Judy_Cullins_(en_espaol))
3. http://www.youtube.com/watch?feature=player_embedded&v=21BE98mGJME
4. <http://anayaele.com>
5. https://www.tripadvisor.ru/LocationPhotoDirectLink3175055-d2722187-i60529451-Sidro_RestaurantBeska_Vojvodina.html
6. <https://www.ico.es/web/ico/folleto-informativo-lineas-ico>
7. http://www.ejemplode.com/66-ensayos/2563-ejemplo_de_articulo_enciclopedico.html

